



Бухоронинг мангит хонадони 1753 йили ҳокимиятни қўлга киритгач, ҳукмронлиги даврида фақат ички осойишталикни таъмин эта олмадигина эмас, балки қўшни давлатлар (Хива, Қўқон, Афғонистон) билан ҳам яхши муносабатлар ўрната олмади. Мангит хонадонининг асосчиси Мухаммад Раҳим оталикнинг 1751 йилда вафот этиши биланокунинг вориси Дониёл (1758 - 1785) замонида ўзининг кули, эронлик Давлатнинг девонбеги этиб тайинланиши замон, Бухоро амирлигида тартибсизликлар бошланди.

Давлат хазинани ўз хохишича сарф қилганлигидан хазина бўшаб қолди. Бу эса аҳоли зиёлиларининг норозилигига ҳам сабаб бўлди. Бу норозилик тўлкинига Дониёлнинг ўғли Шох Мурод ҳам қўшилди. Дониёлнинг ва Давлатнинг душманлари ҳар иккаласининг ҳокимиятига чек қўйишга муваффақ бўлдилар ва 1785 йили Шох Муродни тахтга қўтардилар. Шох Мурод (шоҳлик даври 1785 - 1800) мадраса таълимотини яхшилаш чораларини амалга ошириш борасидаги ишлари билан танилди. Унинг замонида Бухоро мадрасаларида 30000дан ортиқ талаба бор эди(Ўрис истилосидан аввал Хоразм хонлигининг умумий тарихи ҳақида қаранг: Бартольд, II ж., 283-350-6; Ризо Нур IV. 272-333-6; Иванов, Очерки, 100-6; Н. Каландаров ва бошқалар; Хоразм, Тошкент, 1962; Василевский 16-6; 2.У. 142-143-бетлар.). Марв ва Балхни ўз ҳокимияти остига олгандан сўнг ўрнига унинг мақсадларини амалга ошираётган ўғли Амир Саид Хайдар (1801-1821) ўтирди. Хайдар илм ва одил бир ҳукмдор эди. Ҳукмронлиги даврида ЮООга яқин талабага шахсан ўзи ислом илмлари юзасидан дарс берган эди(Иванов. Очерки, 105-6.). 1817 йили Хоразм ҳужумини тўхтатиш учун қўшин тузишга мажбур бўлди: сепаратист

Шахрисабз бегига карши курашни бошкарди ва хитой-кипчок уругининг Шахрисабздаги кўзголонига карши курашди. Бухороликлар бу тўқнашувларнинг барчасидаголиб чикди. Амир Саид Хайдар тўнгич ўгли Хусайнни тахтга ворис килиб тайинлади. Хусайн факат икки ойу ўн кун хукмрон бўлди. Уни катл килинганлиги тахмин килинади. Бошка ўгиллари: Кармана хоками Умархон ва Карши хоками Насруллох (бошка исми Баходир) тахтни кўлга киритиш учун бир-бири билан ракиб бўлдилар. Насруллох заиф характери билан танилган хоким эди. Шу боис беклар Умарни хон этиб сайладилар. Насруллох бунга каршилиқ килди ва Бухорога юриш килди. Шахарни етмиш кун камалда ушлади. Шу орада отасининг девонбеги Мухаммад Хаким кушбегини турли найранглар билан ўзига огдириб, Бухоро дарвозаларини очтирди ва шахарни ишгол килди. Куч билан тахтни эгаллагач, аввалги иттифокчиси Мухаммад Хаким кушбегини катл эттирди(Мирзо Абдулазим Соми. Тарихи салтанати мангития. Москва, 1962, 53-бет.). Насруллох (1826 - 1860 (61) гаддорлиги билан ном таратди. 1840 йилда Фаргона хонлигига юриш килди ва бошкенти Кўконни ишгол этиб, Кўкон хони Мухаммад Аминни катл эттирди. Шахрисабзга 32 марта юриш килди ва нихоят 1855 - 1856 йилда бу шахарни ва атрофини бўйсундирди. Насруллох салтанати даврида Балх, Маймана, Андхой, Кундуз, Шибиргон ва Амударёнинг сўл киргогидаги Мозори Шариф бекликларининг ажралиб чиқиш учун килган ҳаракатлари ўз натижасини берди. Насруллох бу бекларнинг ажралиб чиқишига карши жиддий ҳаракатлар килди. Балх, Шибиргон ва Мозори Шариф бекларини ёнига чакириб, уларни хибс этди. Лекин у тарихда афгонлилар деб аталган Амударё-нинг чап киргогидаги эркинлик учун курашганларни йўқ кила олмади. 1849 йили Бухоро Балх шаҳри ва вилоятини Афғонистон фойдасига кўлдан чиқарди. Насруллох замонида афгонлар «Афгон Туркистони»(Н. Хаников, Описание бухарского ханство, 228-229-бетларга кўра Насруллохнинг ёнидан Мухаммад Хаким Кушбеги билан тўпчибошиси амир Саид Аёз ҳам жой олган.) деб номланган заминни ишгол килдилар. Шундай килиб, Бухоро хокимияти Хоразм хонлиги ҳудудларига қадар Амударёнинг ўнг соҳилидан (Оким бўйича) чегараланадиган бўлди. Асилзодалар Насруллохдан шубҳа килишар эди: унинг томонидан табризли бир котил Абду-самад Бухоро ҳарбий кучлари кўмондони килиб тайин этилгач, унга бошка ишонмай кўйдилар. Насруллохнинг мустабид салтанати бу машъум одамнинг фаолиятини тўхтатиш билан охирига етди(Афгон Туркистонихақида қаранг: Монич. Афганский Туркестан. НВ., N16-17,319-328-6.). Насруллохнинг ўрнига отасидан фарқ килмайдиган ва 1861 йилдан 1885 йилгача хокимлиқ килган ёлғиз ўгли Музаффар ўтирди. Амир Музаффар 1865 йилда Тошкент бошидан ўтказган воқеалар ва фожиаларга қисман бўлсада сабабчи бўлди. Кўкон хонлиги Тошкент учун Русия билан қонли бир урушга киришган бир пайтда, ўзи бошчилигидаги ўрдасини хонликнинг бошкенти Кўконга бурди ва уни ишгол этди ва амалда русларга ёрдам берди. Тошкент-дан келган «Бизларга ёрдам беринг» деган илтимосларга кулоқ солмади. Музаффар Русия истилосидан аввалги Бухоронинг сўнгги мустақил ҳукмдори эди. Бухоронинг Русияга тобе бўлишига Бухоро халқи эмас, 1868 йилда ўрусларга қарши урушда мағлуб бўлган Музаффарнинг кўрқоклиги, қобилятсизлиги ва худбинлиги сабаб бўлди.

Др.Боймирза Хайитнинг

"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан